O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI


2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

# O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2010-yil • 8-dekabr • Chorshanba • 143-144 (31.264) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz e-mail: info@uzbekistonovozi.uz


# МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЙЎЛИНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ — ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

## Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Қадрли дўстлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Шу кунларда Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллиги мамлакатимизда тантанали равишда байрам қилинмоқда.

Давлатимиз ва халқимиз ҳаётида том маънода тарихий сана бўлган ушбу айём ҳақида гапирар эканмиз, биз Конституциямизнинг бугунги Ўзбекистон давлатчилигининг тикланиши ва ривожланишидаги бекиёс ўрни ва аҳамиятини юксак баҳолаймиз. Ва шу аснода мустақилликнинг биринчи кунлариданбошлаб ўз олдимизга қўйган эзгу мақсадга эришиш, яъни юртимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият ҳисобланадиган фуқаролик жамиятини шакллантиришда Конституциямизнинг мустаҳкам пойдевор бўлиб келаётганини мамнуният билан эътироф этамиз.

Бугун Ўзбекистонимиз босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлини холисона баҳолар эканмиз, ўтган давр мобайнида биз эришган, дунё жамоатчилиги тан олган оламшумул ютуқ ва марралар, аввалимбор, изчил ривожланаётган иқтисодиётимиз ва унинг барқарор ўсиш суръатлари, аҳоли фаровонлигининг йилдан-йилга ошиб, жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз обрў-эътиборининг тобора юксалиб бораётгани — буларнинг барчаси Конституциямизнинг асосига қўйилган, чуқур ва пухта ўйланган мақсад, принцип ва нормаларнинг ҳаётбахш самараси, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Қисқача айтганда, биз танлаган ва «ўзбек модели» деб ном олган мамлакатимизнинг тараққиёт йўли нақадар тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи яққол тасдиқлаб бермоқда.

Биз ўз умрини ўтаб бўлган мустабид, буйруқбозлик ва режали-тақсимот тизимидан қанчалик узоқлашганимиз сари, миллий тараққиёт моделимизнинг асосини ташкил этадиган тамойил ва нормаларнинг нечоғлик тўғри эканига бўлган ишончимиз шу қадар ортиб бормоқда.

Бу тамойиллар, биринчи навбатда, ҳаётимизни мафкурадан тўла холи қилиш, коммунистик қолип ва қарашлардан воз кечиш, қонуннинг ҳамма учун устувор бўлиши, давлатнинг бош ислоҳотчи ролини ўзига олиши, инқилобий эмас, аксинча, тадрижий тараққиёт йўлидан ривожланиш, яъни ислоҳотларни «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» деган принцип асосида изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш, шунингдек, кучли ижтимоий сиёсат юритиш каби қоидаларни ўз ичига олади.

Ана шу тамойилларга амал қилган ҳолда, биз ўтган давр мобайнида ҳақиқатан ҳам жуда катта тарихий ютуқларга эришдик ва бу билан ҳақли равишда фахрлансак арзийди.

Биз эришган улкан марраларнинг энг муҳими — эски тизимдан бутунлай воз кечиб, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш йўлидан дадил бораётганимиз ва бу жараённинг ҳеч қачон ортга қайтмайдиган қатъий ва изчил тус олганидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда одамларимиз, уларнинг ижтимоий онги, ҳаётга муносабати тобора ўзгармоқда, ватандошларимизнинг сиёсий етуклиги, юртимизда ва дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан фуқаролик масъулияти, дахлдорлик ҳисси ошиб бормоқда. Ва айнан шуларнинг барчаси мамлакатимизнинг тараққиёт ва фаровонлик йўлидан изчил ривожланиб боришини, янги марраларни қўлга киритишимизни таъминлаётган қудратли ҳаракатлантирувчи куч бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, амалга оширган ишларимизни эътироф этган ҳолда, биз бир ҳақиқатни эсдан чиқаришга ҳаққимиз йўқ, деб ўйлайман: **яъни, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди.**

*(Давоми 2-3-бетларда.)*



# БЕТИМСОЛ ЮТУҚЛАРИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида 7 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндалари, пойтахт жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов йиғилишда «Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш — тараққиётимизнинг муҳим омилидир» мавзуида маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда истиқлол йилларида демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида эришаётган барча ютуқларимиз, ҳаётимизга янгича мазмун бағишлаётган ислоҳотлар замирида Конституциямизда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва асосий тамойиллар мужассам эканини алоҳида таъкидлади.

*(Давоми 4-бетда.)*

# ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

***Президентимиз Ислом Каримов 7 декабрь куни Оқсаройда бир гуруҳ юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди***

Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллиги арафасида, Президентимиз Ислом Каримовнинг фармонларига мувофиқ, юртимиз тараққиётига катта ҳисса қўшган, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини янада мустаҳкамлашда ўрнак ва намуна кўрсатган бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди.

Оқсарой қароргоҳида 7 декабрь куни ана шу юксак мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди.

— Аввало, мана шу муҳташам залда тўпланиб турган сиз, азизларни халқимиз кенг нишонлаётган Конституция куни билан табриклашдан, сизларга ўзимнинг самимий ҳурматимни билдиришдан хурсанд эканимни изҳор этмоқчиман, — деди Президентимиз. — Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланган инсонларни айнан ана шу байрам арафасида қутлаб, давлат мукофотларини топшириш яхши бир анъанага айланди.

**(Давоми 4-бетда)**

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ОДКБ КОЛЛЕКТИВ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ ВА МДҲ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИДА ИШТИРОКИГА ДОИР

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2010 йил 10 декабрь куни Москвада Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессияси ва МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этади.***

**Спорт**

# Муайтай бўйича жаҳон чемпионати Тошкентда ўтказилади

→7

*Спортчиларимизнинг халқаро майдонларда қўлга киритаётган ютуқлари мутахассислар томонидан алоҳида эътироф этиб келинаётир. Шунингдек, Ўзбекистон йирик мусобақалар ўтказиш тажрибаси ва имкониятига эга эканлиги ҳам тан олинмоқда. Муайтай бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати мезбонлигига Россия, АҚШ, Германия, Латвия, Қозоғистон сингари ўн олти давлат даъвогарлик қилаётганди. Муҳокама чоғида кўпчилик Ўзбекистон номзодини маъқуллади. Жаҳон чемпионати келгуси йил кузида Тошкентда ўтказиладиган бўлди.*

**ОБ-ҲАВО 8-9.12. 2010**

| | БУГУН | ЭРТАГА |
|---|---|---|
| Тошкент | 8°C | 10°C |
| Самарқанд | 5°C | 10°C |
| Нукус | 5°C | 10°C |
| Қарши | 7°C | 12°C |
| Урганч | 5°C | 10°C |
| Навоий | 7°C | 12°C |
| Фарғона | 5°C | 10°C |
| Бухоро | 7°C | 12°C |
| Андижон | 5°C | 10°C |
| Наманган | 5°C | 10°C |
| Термиз | 7°C | 12°C |
| Жиззах | 5°C | 10°C |
| Гулистон | 5°C | 10°C |
| Тошкент вил. | 5°C | 10°C |
| Лондон | 3°C | 5°C |
| Париж | -2°C | 3°C |
| Москва | -11°C | -9°C |
| Мадрид | -3°C | 4°C |
| Пекин | -2°C | 1°C |
| Гонгконг | 19°C | 20°C |
| Рим | 7°C | 3°C |
| Анкара | 8°C | 7°C |
| Токио | 8°C | 7°C |
| Стокгольм | -10°C | -10°C |
| Кейптаун | 13°C | 15°C |
| Қоҳира | 7°C | 6°C |
| Гавана | 16°C | 15°C |
| Вашингтон | -2°C | 0°C |


«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ, СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!



Обуна индекси — 220

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

# МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЙЎЛИНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ — ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

## Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Босиб ўтган йўлимизни ва мамлакатимизнинг дунёда содир бўлаётган туб ўзгаришлар жараёнида тутган ўрнини холис ва танқидий баҳолар эканмиз, биз эришган ютуқларимизга маҳлиё бўлиб қолмаслигимиз, ортиқча ҳаволаниш ва хотиржамлик туйғусига берилмаслигимиз зарур. Бугун биз яшаётган глобаллашув ва тобора кучайиб бораётган рақобат асрида фақат чуқур ислоҳотлар ва модернизация йўлидан тинимсиз ва қатъият билан ривожланиб бориш натижасида ўз олдимизга қўйган истиқболли мақсадларга — **тараққий топган, фаровон яшаётган демократик давлатлар қаторига кириш, халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини таъминлашга эриша оламиз.**

Парламентимиз палаталарининг шу йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида баён этилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да айнан ана шу вазифалар ўртага қўйилганини таъкидлаш жоиз.

**Қуйидаги масалалар бизнинг энг муҳим устувор йўналишларимизга айланиши даркор:**

— давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришга қаратилган конституциявий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, яъни ҳокимиятни ташкил қиладиган Президент — давлат бошлиғи, қонунчилик ва ижро ҳокимияти ўртасида мувозанат ва барқарорликни янада мустаҳкамлаш, суд тизимининг мустақиллиги ва либераллашувини кучайтириш бўйича ислоҳотларни давом эттириш;

— ахборот соҳасида фуқаролар ва инсон ҳуқуқларининг кафолатларини, сайлов эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини такомиллаштириш;

— демократик қадриятлар ва инсонларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг амалда муҳим омилига айланиши зарур бўлган фуқаролик институтларини, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусан, маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш;

— фақат кенг миқёсли иқтисодий ислоҳот ва ўзгаришларни биз танлаган, ўзини амалда тўла оқлаган тараққиёт моделига ҳамоҳанг равишда давом эттириш иқтисодиётимизнинг барқарорлиги ва зарур ривожланиш суръатларини, ҳаётимиз сифатини ошириш, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш имконини беради.

Ўз-ўзидан равшанки, биз олдимизга қўяётган бундай мураккаб ва улкан вазифаларни амалга ошириш учун анча вақт, балки йиллар талаб қилинади ва буни биз ўзимизга яхши тасаввур этишимиз лозим.

Мен бугунги йиғилишда мазкур Концепцияда кўзда тутилган аниқ йўналишларга батафсил тўхталмоқчи эмасман.

Нега деганда, бу масалаларнинг барчаси ҳозирги вақтда оммавий ахборот воситаларида етарлича кенг ёритилмоқда ва нафақат мамлакатимизда, балки дунё миқёсида ҳам катта қизиқиш ва эътибор билан муҳокама қилинмоқда.

Шу билан бирга, алоҳида таъкидлашим истардимки, энг мураккаб ва масъулиятли вазифа — бу Концепциянинг ўзини ишлаб чиқишдан иборат эмас, албатта. Энг асосий вазифамиз — мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократлаштириш бўйича бошланган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш, биз ўз олдимизга қўйган юксак тараққиёт марраларига эришиш бўйича Концепцияда белгилаб берилган, аниқ мақсадга қаратилган йўл-йўриқ ва кўрсатмаларни амалга оширишнинг Комплекс дастурини, бошқача айтганда, шу йўналишдаги Стратегияни ишлаб чиқиш ва босқичма-босқич жорий этишдан иборатдир.

Бу ҳақда гапирар эканмиз, фаолиятимиз негизига қўйиладиган ушбу асосий принципларга эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблайман.

**Биринчи.** Амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича биз танлаб олган йўлнинг мантиқий ва қонуний давоми бўлишини назарда тутган ҳолда, уларнинг узвийлиги, босқичма-босқичлиги ва изчиллигини, бошқача айтганда, тадрижийлигини сақлаш шарт.

**Иккинчи.** Концепцияда таклиф этилаётган ислоҳот йўналишлари ўзаро узвий боғлиқ экани ва бир-бирини тақозо этишини ўзимиз учун аниқ ва равшан англаб олишимиз даркор.

Шу маънода, лўнда қилиб айтганда, давлат ва жамият қурилишини изчил асосда демократлаштирмасдан, мустақил суд тизимини таъминламасдан туриб, бозор ислоҳотларини амалга ошириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга эришиб бўлмайди. Бундай талаб сўз ва ахборот эркинлиги, сайлов эркинлигини таъминлаш ва сайлов тизимини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, энг муҳими, фуқароларимизнинг сиёсий онги, ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш масалаларига ҳам бирдек дахлдордир.

**Учинчи.** Ислоҳотларимизнинг маъно-мазмуни ҳар бир онгли фикрлайдиган инсон учун очиқ ва тушунарли бўлган, улар шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсоннинг амалий ишига айланган тақдирдагина мамлакатимизни янада ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг муваффақиятини таъминлашимиз мумкин.

Шу борада бугун мана шу залда ўтирган сиз азизларни, авваламбор ёшларимизни, уларнинг тимсолида униб-ўсиб, ҳал қилувчи бунёдкор куч сифатида майдонга чиқаётган, она юртимиз келажагининг эгаси бўлган миллионлаб азму шижоатли фарзандларимизни мен ўзимнинг энг катта умидим ва ишончим деб биламан.

Мен қатъий ишонаман — бизнинг болаларимиз, мамлакатимизни ислоҳ қилишнинг ғоя ва мақсадлари онги ва қалбига яқин бўлган ёшларимиз ана шундай орзу-умидларимизга албатта муносиб бўладилар, шу мақсадларни амалга ошириш учун астойдил курашадилар ва албатта, бу маррани ҳам қўлга киритадилар.

Қадрли дўстлар!

Бундан бир йил муқаддам мана шу муҳташам залда, Конституция кунига бағишланган мажлисда, сизлар билан атрофлича фикр алмашиб, 2010 йилни мамлакатимизда **«Баркамол авлод йили»** деб эълон қилган эдик.

Давлатимиз ва жамиятимизнинг бугунги куни, айниқса, келажаги учун ғоят муҳим бўлган соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш вазифасини ўз олдимизга қўяр эканмиз, авваламбор, биз яшаётган XXI аср — интеллектуал бойлик, юксак билим ва салоҳият талаб этиладиган, айнан шу қадриятлар устувор аҳамият касб этадиган аср, деган ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиққан эдик.

Албатта, ҳозирги кунда тараққиёт йўлидан изчил ривожланиб боришимизда, эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган муҳим бир мезон борки, у ҳам бўлса, инсон капитали, яъни инсон омили, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, ҳаётга дадил қадамлар билан кириб келаётган ёшларимиздир.

Биз қабул қилган, ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш дастурида белгиланган улкан ва кенг кўламли вазифаларни қисқа вақт мобайнида, яъни бир йил давомида амалга ошириб бўлмаслиги барчамизга яхши аён. Шу маънода, бу олижаноб мақсад давлатимиз ва бутун жамиятимизнинг доимий ва узоқ истиқболга мўлжалланган устувор вазифасига айланиши ва ҳамиша эътиборимиз марказида туриши лозим.

Кўлами ғоят кенг бўлган ушбу дастур доирасида бажарилган барча ишларни битта маърузада қамраб олиш қийин, албатта, унинг ижроси ҳақида йил якунига бағишлаб жойларда ва марказда бўлиб ўтадиган йиғилишларда атрофлича фикр юритилади. Мен бу ўринда фақат 2010 йилда «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг асосий йўналишлари бўйича амалга оширилган энг муҳим ишлар хусусида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Авваламбор, **болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш** масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Бу борада, бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, 600 тадан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат тўлиқ инвентаризациядан ўтказилди, уларнинг якуни бўйича амалдаги қонунлар ва норматив ҳужжатларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга вояга етмаган болаларнинг жиноий муҳитга тортилишининг олдини олиш мақсадида ёшларга мўлжалланган турли хил ҳордиқ чиқариш муассасалари раҳбарлари ва бошқа масъул шахсларнинг ўрнатилган нормаларга риоя қилиш бўйича жавобгарлигини кучайтириш ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қаратилган қўшимчалар киритилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан аҳоли, биринчи навбатда, ўқувчи ва талабаларга замонавий ахборот технологиялари асосида ахборот-кутубхона, авваламбор интернет хизмати кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги қонун биринчи ўқишда қабул қилинди.

Шулар қаторида «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши албатта катта аҳамият касб этади. «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини тарқатиш ва истеъмол қилишни чеклаш тўғрисида»ги қонуннинг яқин кунларда қабул қилиниши соғлом авлодни шакллантиришда, уларни болалик давридан бошлаб саломатликка путур етказадиган зарарли одатлардан ҳимоя қилишда муҳим омил бўлишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Айтиш керакки, дастур доирасида ишлаб чиқилган «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири лойиҳаси ушбу соҳани янада ислоҳ қилиш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилгани билан эътиборлидир.

Маълумки, соғлом авлод деганда, барчамиз биринчи навбатда соғлом наслни тушунамиз. Бу борада ўтган йиллар давомида «Соғлом она — соғлом бола» ғоясини ўзида мужассам этган дастур асосида кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилди.

Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, жумладан, пойтахтимиз ва вилоятларимизда замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлари, янги туғруқ мажмуалари барпо этишга қанча куч ва маблағ сарфланганидан, ўйлайманки, ҳаммангиз яхши хабардорсиз.

Биргина «Она ва бола скрининги» Давлат дастури доирасида бошқа вилоятлар марказлари қаторида Гулистон ва Жиззах шаҳарларида янги скрининг марказлари ташкил этилди. Барча минтақавий марказлар бюджет маблағлари ҳисобидан замонавий диагностика ва лаборатория ускуналари, зарур материаллар билан таъминланди.

Бу ўз навбатида кўплаб ирсий касалликларнинг олдини олиш ва даволашни юқори даражага кўтариш, болаларнинг ирсий хасталиклар билан ва нуқсонли туғилишининг хавфини камайтириш имконини бермоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимиз ҳудудларидаги замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктлари ва ихтисослаштирилган марказларда деярли барча аҳоли тиббий кўрик ва ультратовуш текширувидан ўтказилди. Бундан ташқари, ҳар ойда мунтазам равишда «Туғиш ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмир қизларни соғломлаштириш ҳафталиги» ўтказилмоқда. Жорий йилнинг ўзида туғруқ ёшидаги 7 миллион 800 минг аёл ва 14 ёшгача бўлган 8 миллион 500 минг бола тиббий кўрикдан ўтказилганини қайд этиш лозим.

Бу йил шу борада яна бир ибратли тажриба йўлга қўйилди. Яъни, 12 мингдан ортиқ патронаж ҳамширалари, 8 мингдан зиёд педиатр, неонатолог, акушер ва тиббиёт ҳамшираси хотин-қизлар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш бўйича янги технологиялар асосида таълим олиб, ўз малакасини оширди.

Маълумки, кейинги йилларда ҳомиладор аёлларни таркибида ҳаётий зарур элементлар бўлган махсус поливитаминлар билан таъминлаш ва шу орқали аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасида мисли кўрилмаган профилактик тадбирлар амалга оширилмоқда.

Айтиш керакки, бундай чора-тадбирлар ҳар йили 400 минг нафар ҳомиладор аёлни соғломлаштириш, оналар саломатлигини мустаҳкамлаш, ривожланишида нуқсони бўлган болалар туғилишининг олдини олиш имконини бермоқда.

Шунингдек, юртимизда инсон ҳаёти учун хавфли бўлган бир қатор касалликлар профилактикаси бўйича ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида болаларнинг 98 фоиздан ортиғи олдини олиш мумкин бўлган инфекцияларга қарши эмланмоқда.

Бунинг натижасида дифтерея, қизамиқ касалликларига чалиниш ҳолатлари кескин камайганини айтиш даркор. 2010 йилда юқумли касалликлар билан оғриш ҳолатлари, жумладан, менингокок инфекцияси 28 фоизга, эпидемик паротит 27 фоиз, вирусли гепатит 13 фоизга камайгани ана шундай тадбирлар самарасидир.

Мамлакатимизда ўтказилган яна бир кенг кўламли тадбир — полиомиелитга қарши эмлаш миллий кунлари давомида 15 ёшгача бўлган 4 миллион бола эмланди. Бизга қўшни бўлган давлатларда айнан шу масалада нохуш вазиятлар юзага келган бир шароитда бундай тадбирлар полиомиелит билан касалланишнинг олдини олиш имконини берганини, бунинг аҳамиятини албатта барчамиз яхши англаймиз.

Бир қатор нуфузли халқаро институтларнинг баҳолашича, Ўзбекистон дунёнинг 125 давлати орасида хотин-қизлар учун қулай шароитлар яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Буни ЮНИСЕФнинг Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари бўйича офиси томонидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги дастурларни жорий қилишда Ўзбекистоннинг минтақадаги намунавий модель сифатида эътироф этилгани ҳам исботлайди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, турли касалликларнинг олдини олиш, умуман, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш мақсадида жорий йилда давлат бюджетидан жами 1 триллион 700 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилган бўлиб, бу 2009 йилга нисбатан 30 фоиз ва 2008 йилга нисбатан 2 баробар кўп демакдир.

«Баркамол авлод йили» давлат дастурини амалга оширишда **таълим соҳасини ривожлантириш, авваламбор, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги ўқув муассасалари қуриш ва уларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш** масаласига эътибор янада кучайтирилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг амалга оширилиши натижасида 1 минг 536 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежи, умумтаълим мактабларининг қарийб 9 мингтаси, яъни деярли ҳаммаси, 1 минг 800 дан ортиқ спорт зали намунавий лойиҳалар асосида барпо этилди ёки капитал реконструкция қилинди.

Ушбу ўқув муассасаларининг моддий-техник базасини мунтазам янгилаб бориш, тизимли асосда замонавий компьютер техникаси, ўқув-лаборатория ускуналари, мебель ва ўқув анжомлари билан қайта жиҳозлаш, уларни талаб даражасида сақлаш ҳамда яратилган бу улкан салоҳиятдан самарали фойдаланиш мақсадида мутлақо янги бир тузилма — Молия вазирлиги ҳузурида махсус жамғарма ташкил этилди.

Бу жамғарманинг ҳисоб рақамига 2010 йили 315 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлса, 2011 йилда 370 миллиард сўм ажратиш кўзда тутилмоқда. Шунинг ўзиёқ бизнинг ушбу масалага қандай катта эътибор бераётганимизни яққол кўрсатиб турибди, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Жорий йилда Тошкент шаҳрида Турин политехника университетининг янги, замонавий ўқув комплексининг барпо этилгани биз учун қанчалик катта аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлашни истардим. Ушбу олий ўқув юрти мамлакатимизда жадал ривожланиб бораётган автомобиль саноати ва бошқа тармоқлар учун юқори малакали кадрлар тайёрлайдиган маскан бўлиб хизмат қилади.

Шу давр мобайнида кадрлар тайёрлаш тизими такомиллаштирилди, олий таълим бакалавриат босқичининг 50 та йўналиши ва магистратура босқичининг 74 та мутахассислиги унификация қилинди, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликларининг янги классификаторлари жорий этилди.

**Дастур доирасида 2010** йилда 560 та етакчи кластер мактаблари қиймати қарийб 6 миллион АҚШ доллари бўлган 13 минг 500 та компьютер техникаси билан таъминланди, 750 дан ортиқ қишлоқ мактаби замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва мультимедиа воситалари билан жиҳозланди, 1,5 мингта қишлоқ мактаби ўқитувчилари умумий қиймати қарийб 13 миллион АҚШ доллари бўлган 3 минг 400 та шахсий компьютер билан таъминланди.

Айни пайтда мамлакатимиздаги барча, яъни 12 мингдан ортиқ таълим муассасалари, илмий ва маданий-маърифий ташкилотлар 25 мингдан зиёд ўқув материаллари ва ресурсларни ўз ичига олган Таълим порталига уланди. Бу масофадан туриб ўқитиш усулларини таълим тизимига кенг жорий этиш, ўқувчи ва ёшларга бошқа хил ахборот-коммуникация хизматлари кўрсатиш имконини бериши билан айниқса аҳамиятлидир.

Шу билан бирга, замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникациялар, интернетни нафақат мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларига, балки ҳар бир оилага жорий қилиш ҳаракатлари бугунги кунда тобора кучайиб бормоқда. Айнан замонавий алоқа ва ахборот технологиялари тизимини кенг кўламда ривожлантириш мамлакатимиз ва жамиятимизнинг тараққиёт даражасини кўрсатадиган мезонлардан бири бўлиб хизмат қилади.

Жорий йилда бу борада амалга оширилган ишлар натижасида бугунги кунда юртимизда 6 миллион киши интернетдан фойдаланмоқда, уларнинг ярмини мобиль алоқа орқали интернетдан фойдаланувчилар ташкил этади.

2010 йилда Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида кўп дастурли телевизион каналларни тарқатиш хизматларининг сифатини ошириш, халқаро ахборот ресурсларидан фойдаланиш бўйича мутлақо янги имкониятлар яратадиган замонавий рақамли телевидение ишга туширилганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Азиз юртдошлар!

Бугунги кунда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида, айниқса, болалар спортини янада ривожлантириш, ҳар бир шаҳар ва қишлоқда замонавий талабларга жавоб берадиган, зарур анжомлар билан жиҳозланган спорт майдончалари, иншоот ва мажмуаларни барпо этиш бўйича амалга ошираётган ишларимиз ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Шуни мамнуният билан айтиш керакки, истиқлол йилларида юртимизда 1 минг 200 дан зиёд янги спорт иншооти барпо этилиб, уларнинг мингдан ортиғи қишлоқ жойларда қурилди. Бу эса 260 минг нафардан зиёд боланинг спортнинг кўплаб турлари билан мунтазам шуғулланиши учун имконият яратди.

Қиз болаларни, энг аввало, қишлоқ қизларини спорт билан шуғулланишга жалб этишда жорий йилда сезиларли натижаларга эришилди. «Спорт ҳаётидан ҳеч ким четда қолмаслиги керак» деган шиордан келиб чиққан ҳолда, кам таъминланган оилаларнинг 120 минг нафар қизлари учун 3 миллиард 500 миллион сўмлик спорт кийими ва жиҳозлари харид қилинди.

Яна бир муҳим ҳолатга эътиборингизни қаратмоқчиман. Мамлакатимизда бадиий гимнастикани ривожлантириш дастури қабул қилингач, спортнинг ушбу нафис тури билан шуғулланадиган қизлар сони шу йилнинг ўзида 6-7 баробар, айрим вилоятларда эса 10-12 баробар ортди.

Бу борада ёрқин бир мисолни келтиришни ўринли деб биламан. Куни кеча Хитойда якунига етган ўн олтинчи ёзги Осиё ўйинларида бадиий гимнастика бўйича қизларимиз ўз истеъдод ва маҳоратини намоён этиб, Осиё қитъаси вакиллари орасида шарафли иккинчи ўринни эгаллашгани мамлакатимизнинг спорт ҳаётида мисли кўрилмаган қувончли воқеа бўлди.

Шу маънода, бу йил ўтказилган 42 та халқаро мусобақада юртимиздан иштирок этган 500 нафардан зиёд ёш спортчининг учдан бир қисмини қизлар ташкил этгани айниқса эътиборлидир.

Маълумки, шу йил ёзда Сингапурда бўлиб ўтган биринчи ўсмирлар Олимпия ўйинларида спортчи ёшларимиз муносиб қатнашиб, 9 та медални қўлга киритди. Юқорида зикр этилган Осиё ўйинларида эса Ўзбекистон спортчилари нафақат қитъамиз, балки дунё миқёсида ҳам тан олинган қудратли давлатларнинг вакиллари билан кескин беллашувларда 11 та олтин, 22 та кумуш, 23 та бронза медални қўлга киритди, умумжамоа ҳисобида саккизинчи ўринни эгаллаб, кучли ўнликдан жой олишга эришди.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, халқаро майдонларда Ватанимиз шон-шуҳратини бутун дунёга тараннум этаётган истеъдодли ёш спортчиларимиздан айримларининг номларини ҳурмат билан тилга олишдан мамнунман.

Кўзга кўринган спортчиларимиздан Ришод Собиров, Рустам Қосимжонов, Владимир Тўйчиев, Вадим Меньков, Дилшод Мансуров, Юлия Тарасова, Артур Таймазов,

*(Давоми 3-бетда.)*

«Матбуот тарқатувчи» АК 2011 ЙИЛ УЧУН МАТБУОТ НАШРЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА Тел: 233-75-49, сайт: www.akmt., e-mail: info@akmt.uz

# МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЙЎЛИНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ — ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

## Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

*(Давоми. Боши 1-2-бетларда.)*

Элшод Расулов, Светлана Радзивил, Серик Мирбеков, Герасим Кочнев, Сергей Борзов, Алексей Бобожонов, Вячеслав Горн, Алексей Мочалов каби ёшларимиз Осиё ўйинларида олтин медаль соҳиби бўлдилар.

Айниқса, Тошкент давлат жисмоний тарбия институтининг талабаси, каноэда эшкак эшиш бўйича икки карра жаҳон чемпиони Вадим Меньков халқимизнинг ҳақиқий ифтихорига айланди. Бу истеъдодли спортчимиз 2010 йилда ўз йўналиши бўйича дунёнинг энг яхши спортчиси деб тан олинди.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида, Ўзбекистон терма жамоасининг 2012 йили Лондонда ўтадиган Олимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этишига бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

Футбол бўйича Осиё чемпионатида ажойиб ўйин намойиш этган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси келгуси йили Мексикада бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида ҳам ўз маҳоратини кўрсатишига ишонамиз.

Аргентинада бўлиб ўтган ампутант-ногиронлар ўртасида футбол бўйича жаҳон чемпионатида иккинчи маротаба чемпион унвонига сазовор бўлган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ҳақиқий жасорат ва фидоийлик кўрсатиб, ўзларининг метин иродасини намойиш этди.

Шулар ҳақида гапирар эканман, ўз ҳаётини спортга бағишлаб, жаҳон ва қитъа мусобақаларида Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб келаётган барча мард ва жасур спортчиларимизга чуқур миннатдорчилик билдириб, катта ғурур ва ифтихор билан уларга янги-янги зафарлар тилашга рухсат бергайсиз.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг яна бир устувор йўналишига батафсил тўхталиб ўтишни зарур, деб ҳисоблайман. Бу ўринда гап ёшларимиз ўзлари эгаллаётган энг замонавий билим ва кўникмаларни амалда жорий этиши учун **касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларига кенг жалб қилиш ҳақида бормоқда.**

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони муҳим қадам бўлди. Шулар қаторида битирувчиларга ўз бизнесини ташкил этиши учун имтиёзли кредитлар бериш бўйича банкларимиз томонидан амалга оширилган ишлар ҳам эътиборга сазовордир.

Яна бир муҳим масалани қайд этиб ўтмоқчиман. Ҳозирги кескин рақобат шароитида **инновацион технологиялар ва илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришлари учун уларга зарур шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамиятга эга.**

Бу масалага устувор аҳамият бермасдан туриб, тараққиёт ҳақида сўз юритиб бўлмаслигини барчамиз яхши тушунамиз, албатта. Бугун замоннинг ўзи ушбу масалани сиёсатимизнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгилашни тақозо этмоқда.

Яқинда олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Президент қарори қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатнинг моҳияти шундан иборатки, илмий кадрлар тайёрлашнинг аспирантура ва докторантура каби эскирган шакллари ўрнига мамлакатимиз олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар ва катта илмий ходим-изланувчилар институти жорий этилди.

Энг муҳими, уларни рағбатлантириш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш мақсадида стажёр-тадқиқотчи-изланувчиларнинг лавозим маоши стажёр-тадқиқотчилар лавозим маошининг базавий миқдорига, катта илмий ходим-изланувчилар лавозим маошининг ҳажми эса фан номзоди унвонига эга бўлган катта илмий ходимларнинг маошига тенглаштирилди. Бу амалда ушбу тадқиқотчилар иш ҳақининг 1,6 баробар кўпайишини англатади.

Дастурнинг принципиал аҳамиятга эга бўлган яна бир йўналиши хусусида, яъни мамлакатимизда амалга оширилаётган **оилани мустаҳкамлаш, ёш оилалар ҳақида ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, соғлом ва мустаҳкам оила барпо этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасидаги кенг қамровли ишларни давом эттириш ҳақида** қисқача тўхталмоқчиман.

Айнан оила бағрида, ота-онанинг ўзаро меҳр-муҳаббати, ғамхўрлиги муҳитида фарзанднинг дунёга келиши, унинг шахс ва фуқаро сифатида камол топиши ҳақида узоқ гапириб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Ҳалоллик, эзгулик ва меҳрибонлик ҳақидаги тушунчалар, катталарга ҳурмат туйғуси аввало оилада пайдо бўлади, инсоннинг дунёқараши миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида айнан шу муҳитда шаклланади.

Шу сабабли жорий йилда оила институтини қўллаб-қувватлаш бўйича аввалги йилларда бошлаган ишларимиз давом эттирилиб, 2,5 минг ёш оилага уй-жой қуриш ва уни жиҳозлаш каби масалаларни ҳал этиш учун тижорат банклари томонидан 107 миллиард 600 миллион сўмлик ипотека ва истеъмол кредитлари берилди.

Бундан ташқари, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан нотурар-жой биноларини реконструкция қилиш ва уй-жой харид қилиш учун ҳомийларнинг 5 миллиард 800 миллион сўмлик маблағлари жалб этилди. Шунингдек, 7 минг 200 дан зиёд ёш оилага бепул қорамол берилиб, шу мақсадлар учун 5 миллиард 300 миллион сўм маблағ ажратилди.

Дастур доирасида ёшларда «оммавий маданият» ниқоби остидаги хуружлар, диний экстремизм, халқаро терроризм, халқимизга ёт бўлган ғоя ва қадриятларнинг четдан «экспорт» қилинишига қарши қатъий позицияни шакллантириш бўйича ахборот ва педагогик технологияларнинг замонавий, янги шакллари жорий қилинди.

Табиийки, бу борада «оммавий маданият»нинг савияси паст, енгил-елпи намуналарига қарши ҳақиқий санъат асарларининг юксак дурдоналарини кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳурматли дўстлар!

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган кўплаб тадбирларнинг ташаббускори ноҳукумат ташкилотлар бўлгани айниқса эътиборга сазовордир.

Бундай ижобий ҳолат юртимизда фуқаролик жамиятини бунёд этиш борасида эришаётган ютуқларимизнинг амалий намоёни бўлиб, бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор этолмайди. Бу давлатимиз ва жамиятимизнинг баркамол авлодни тарбиялаш ва мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг мустаҳкам заминини яратиш борасидаги манфаатлари муштарак эканини яққол кўрсатади.

«Баркамол авлод йили» дастурини бажариш учун барча манбалар ҳисобидан жорий йилда қарийб 8 триллион сўм маблағ сарфланганининг ўзи бу борада амалга оширган ишларимизнинг кўлами ва миқёси нечоғлик улкан эканидан далолат беради.

Фурсатдан фойдаланиб, ана шундай олижаноб ишга муносиб ҳисса қўшган мамлакатимиздаги давлат ва нодавлат ташкилотларга, ишлаб чиқариш корхоналари, фермер хўжаликлари ва тадбиркорлик тузилмаларига, хорижий жамғармалар ва халқаро ташкилотларга, шу залда ўтирган чет эл мамлакатларининг элчи ва вакилларига, шу улуғ мақсад йўлида ўзини аямасдан хизмат қилган барча-барча инсонларга ўз номимдан, халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдиришга рухсат бергайсиз.

Азиз ватандошлар!

Энди сизлар билан кириб келаётган янги — 2011 йилга қандай ном бериш ҳақида фикрлашиб олишимиз керак.

Бу масалада амалий бир қарорга келиш, яъни янги йилга ўз олдимизга қўйган ягона мақсад йўлида барчамизни бирлаштирадиган аниқ ном беришнинг аҳамияти ва моҳияти ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Мухтасар айтганда, давлатимиз ва жамиятимизнинг, мулк шаклидан қатъи назар, юртимиздаги ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилот ёки муассасалар бўладими, юридик ёки жисмоний шахслар, ҳомийлар ва хайрия жамғармалари бўладими — буларни барчасининг куч-имконият ва маблағларини аниқ бир мақсад ва эзгу ниятларни амалга ошириш учун сафарбар этиш, бир ёқадан бош чиқариб мавжуд муаммоларни ечиш, бу йўлдаги тўсиқларни бартараф қилишда ушбу масала қандай катта аҳамиятга эга эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Бунинг тасдиғини биз ўз ҳаётий тажрибамизда, яъни 1997 йилдан бошлаб кириб келаётган **ҳар қайси янги йилга жамиятимиз, бутун эл-юртимизнинг фикру зикри ва интилишларини бирлаштирадиган, янги куч-қувват бағишлайдиган ном бериб,** шу асосда қўлга киритган ютуқ ва марраларимиз мисолида яққол кўриш мумкин.

Юқорида билдирилган фикр ва хулосаларни инобатга олган ҳолда, мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётини янги, янада юксак босқичга кўтариш мақсадида мен кириб келаётган 2011 йилни мамлакатимизда **«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»** деб эълон қилишни таклиф этаман.

Тадбиркорлик ҳақида гапирганда, биз авваламбор хусусий тадбиркорликни ўзимизга тасаввур қиламиз. Айтиш керакки, юртимиз тарихида тадбиркорлик қадим замонлардан буён алоҳида ўрин тутиб келади. Ота-боболаримизнинг ўз ери, ўз мулки, ўз касбу ҳунарига эга бўлиш, омилкорлик билан иш юритиш, тадбиркор ва ишбилармон инсонларни қадрлаш борасидаги анъаналари ҳақида кўп гапириш мумкин.

Мен бу ўринда Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг барчамизга яхши маълум бўлган **«Азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир»,** деб айтган чуқур маъноли сўзларини яна бир бор эслатмоқчиман.

Албатта, илгариги замонларда тадбиркорлик балки бошқача номлар билан аталган бўлиши мумкин. Аммо, қандай ном билан аталмасин — унинг отини савдогар ёки дўкондор дейдими, ҳунарманд уста ёки касаначи дейдими, катта-кичик корхона эгаси дейдими, бундан қатъи назар, аждодларимиз айнан шу соҳа ҳисобидан рўзғор тебратиб, ўз оиласини, эл-юрт манфаатини таъминлаб келган.

Бир сўз билан айтганда, тадбиркорлик, ишбилармонлик халқимизнинг, миллатимизнинг қон-қонига, суяк-суягига сингиб кетган ноёб ва эзгу фазилат, десак, муболаға бўлмайди.

Биз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб мамлакатимизнинг келажагини, давлатимиз ва жамиятимизнинг сиёсий-ижтимоий қурилишини белгилашда, биринчи навбатда Конституциямизни ишлаб чиқиш ва тасдиқлашда мулк ва мулкий муносабатлар ҳақидаги принципиал масала доимо эътиборимиз марказида бўлганини таъкидлаш лозим.

Айнан шунинг учун ҳам мамлакатимизнинг кўпукладли иқтисодиёти таркибида давлат мулки, корпоратив ва хусусий мулкнинг тенглигини эътироф этган ҳолда, Конституциямиз ва қонунчилигимизда хусусий мулк устуворлиги мустаҳкамлаб қўйилди ва унинг ишончли конституциявий кафолатлари таъминланди.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодиётимиздаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб айтганда, бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини босолмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва жамиятимиз ривожида алоҳида ўрин эгаллайди.

Мустақиллик йилларидаги тараққиётимиз мисолида шуни ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, бу соҳани ривожлантирмасдан, унга тегишли кўмак ва рағбат бермасдан, зарур имконият, имтиёз ва преференциялар яратмасдан туриб, биз иқтисодиётимизнинг келажагини таъминлай олмаймиз.

Ички бозоримизни рақобатдош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда, бугунги кунда биз учун энг долзарб масалалардан бири бўлмиш аҳолимизни, аввалaмбор, ёшларимизни иш билан таъминлаш ва шу аснода уларнинг муносиб даромад топиши, фаровонлигининг ошиб боришига эришишда айни шу соҳани тез ва жадал суръатлар билан ривожлантириш энг асосий омиллардан бири эканини ҳеч унутмаслигимиз даркор.

Шу борада яна бир муҳим масалага эътиборингизни жалб этишни зарур деб биламан.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил ривожланиб боришини таъминлаш орқали **биз мамлакатимизда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий таянчи ва пойдевори бўлган ўрта синфнинг шаклланишига ва унинг тобора мустаҳкам бўлиб боришига эришмоқдамиз.**

Барчамизга аёнки, айнан ана шу ижтимоий қатлам — яъни ўрта синф юртимизда амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштиришдан, мамлакатимизнинг изчил ва барқарор ривожланишидан энг кўп манфаатдордир. **Шу боис кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда.**

Сизларга яхши маълумки, кейинги йилларда юртимизда ушбу соҳа ривожи учун қулай тадбиркорлик муҳити яратиш ва уни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича катта ишлар қилинди.

Бу ҳақда кўп гапирмасдан, биргина мисол келтириш кифоя, деб ўйлайман.

Агар 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 30 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган бўлса, қисқа бир даврда, яъни 2010 йил якуни билан бу кўрсаткич қарийб 53 фоизга етиши кутилаётгани, ҳеч шубҳасиз, ана шундай ишларимизнинг мантиқий самарасидир.

Бу ҳақда сўз юритганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик одамларимиз учун янги иш ўринлари очиш, барқарор даромад манбаларини яратишнинг энг муҳим омилига айланаётганига алоҳида эътибор қаратмоқчиман. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан ортиғи айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани ҳам шундан далолат беради.

Ўзингиз ўйланг, азиз дўстлар, агарки юртимизда шу соҳага ўз вақтида катта эътибор қаратиб, унинг ривожи учун ҳар томонлама йўл очиб бермаганимизда бугун бизнинг куч-қувватга тўлган ёшларимиз бошқаларга ўхшаб қаёққа иш излаб борарди, кимларга муҳтож ва қарам бўлиб кун кўрар эди?

Шу ҳақида ўйлаш, бунинг олдини олиш давлат ҳокимияти идораларининг асосий бурчидир.

Жорий 2010 йилнинг ўзида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 480 мингта янги иш ўрни очилгани ҳам юқорида зикр этилган фикрнинг яққол тасдиғи, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Энг муҳими, бу иш ўринларининг 60 фоиздан ортиғи қишлоқларимизда ташкил этилмоқда. Мамлакатимиз аҳолисининг 50 фоизга яқини қишлоқ жойларда яшашини ҳисобга оладиган бўлсак, бу рақамларнинг ижтимоий аҳамиятини, ўйлайманки, тушуниш қийин эмас.

Албатта, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кўзга яққол ташланиб турган афзалликлари ва катта имкониятлари ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Лекин бугунги кунда Ўзбекистонда бу соҳада ҳали ишга солинмаган жуда катта салоҳият ва имкониятлар мавжуд эканини, дунёдаги тараққий топган давлатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ялпи ички маҳсулот ҳажмида етакчи ва ҳал қилувчи ўринни эгаллаётганини инобатга оладиган бўлсак, бу йўналишда қиладиган ишларимиз нақадар кўплиги аён бўлади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» бўйича қабул қилинадиган давлат дастурида **қуйидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш зарур.**

Биринчи навбатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ушбу соҳа ривожи учун янада кенг йўл очиб бериш мақсадида мавжуд норматив-ҳуқуқий базани танқидий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш, янги қонун ҳужжатларини қабул қилиш масаласи диққат марказида бўлиши даркор.

Бу ҳақда гапирганда, шуни айтиш керакки, жойларда кичик бўлса ҳам ўз ишини, ўз бизнесини очишга интилаётган хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ўрнига, маҳаллий амалдорлар томонидан уларни кўролмаслик, қўлидан иш келадиган одамларнинг йўлига турли-туман ғов-тўсиқлар қўйилаётганига асло тоқат қилиб бўлмайди.

Албатта, кейинги йилларда бундай салбий ҳолатларни бартараф этиш мақсадида тегишли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятига давлат ва назорат тузилмаларининг аралашувини кескин камайтириш, шунингдек, хўжалик ва тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Лекин назорат органларига мансуб айрим мансабдорлар малакасининг пастлиги ҳануз ўткир муаммо бўлиб қолмоқда ва ишимизга салбий таъсир ўтказмоқда.

Шулар қаторида кўпгина вилоят ва туманларда коррупция деган бало, яъни порахўрлик, таъмагирлик, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш каби иллатлар учраб тураётганини инкор этиб бўлмайди. **Қонунга зид бўлган бундай хунук ҳолатлар билан муроса қилишга чек қўйишнинг вақти келди.**

Навбатдаги устувор йўналиш — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай муҳит яратишдан иборат.

Ҳаммамизга маълумки, охирги йилларда тадбиркорлик соҳасида ўз ишини очиш учун рухсат олиш, солиқ, молия ва статистика органларига ҳисобот топшириш масалаларини тартибга солиш бўйича анча ишлар қилинди ва қилиняпти. Буни рад этиб бўлмайди, лекин бу соҳада бажарадиган ишларимиз ҳали кам эмас.

Айни пайтда кичик бизнес субъектларининг энергия, газ, сув ва канализация, иссиқлик таъминоти ва бошқа шу каби муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши ёки уларни қуришда иштирок этиши учун рухсат олиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш масаласи бўйича ҳам дастурда аниқ чора-тадбирлар белгиланиши ва уларнинг ижросини қатъий назоратга олиш даркор.

Яна бир муҳим масала кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун солиқ ва бошқа тўловлар борасида қулайлик ва енгилликлар яратиш билан боғлиқдир.

Албатта, сўнгги йилларда хўжалик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкасини 2005 йилдаги 13 фоиздан 7 фоизга тушириш ёки қарийб 2 баробар камайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун катта имкониятлар туғдирмоқда.

Шу борада кириб келаётган 2011 йилдан бошлаб бу кўрсаткичнинг 7 фоиздан 6 фоизга туширилиши, ҳеч шубҳасиз, давлатимиз томонидан ишбилармон ва тадбиркорларга кўрсатилган янги бир имтиёз бўлиб қолажак, деб ўйлайман.

Бу борада амалга оширилаётган ишларимиз билан чекланмасдан, кичик бизнес субъектларига ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш учун ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган кредитлар бериш тизимини янада такомиллаштириш, мавжуд муаммоларнинг ечими бўйича амалий чора-тадбирлар кўришимиз зарур.

Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолият соҳасида иштирок этиши, уларнинг минтақа ва жаҳон бозорларига чиқишини кенгайтириш муаммосини ҳал этишга жиддий аҳамият қаратишимиз лозим.

Алоҳида катта эътиборни талаб этадиган яна бир масала шуки, ҳозирги вақтда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик асосан савдо-сотиқ, хизмат ва алоқа соҳасида, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича кўпроқ ривож топмоқда.

Лекин, шу билан бирга, саноат соҳасида, юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишда, инновацион ва нанотехнологиялар, фармакология ва фармацевтика, ахборот-коммуникация тизими, биотехнология, муқобил энергетика турларидан фойдаланиш соҳасида, мухтасар айтганда, **илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очиб беришимиз зарур.**

Айтиш жоизки, мен дастурдан ўрин олиши керак бўлган энг муҳим йўналишларнинг фақат айрим жиҳатлари ҳақида қисқача фикр билдирдим, холос.

Ўз-ўзидан аёнки, дастурни конкрет мазмун билан тўлдириш, ечимини кутиб турган долзарб муаммоларни ҳал қилиш учун ҳукумат қарори билан бу масала бўйича махсус ишчи комиссияси тузиш ҳамда етакчи мутахассисларимиз, аввалaмбор тадбиркорларнинг ўзини бу ишга жалб қилиб, ҳар бир йўналишни атрофлича, чуқур ва пухта ишлаб чиқишимиз даркор.

Бу борада мамлакатимиздаги давлат ва нодавлат ташкилотлар, кичик бизнес эгалари, фермер ва тадбиркорлар, ҳомийлар, бир сўз билан айтганда, кенг жамоатчилигимиз ўз фикрлари ва амалий таклифлари билан фаол иштирок этади, деб ўйлайман.

Шу фурсатдан фойдаланиб, такрор ва такрор айтишни истардим: **кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — жамиятимизнинг, бугунги ва келажак тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи бўлиши шарт.**

Айнан ана шундай қараш, ана шундай ёндашув бизнинг иш фаолиятимизда, аввалaмбор, олдимизда турган ўта муҳим ва долзарб вазифаларни амалга оширишда асосий мезон ва йўлланма бўлишига ишонаман ва барчангизга айни шу мақсад йўлида куч-ғайрат ва янги-янги омадлар тилайман.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Сизларни Конституциямиз байрами билан яна бир бор табриклаб, ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

«Матбуот тарқатувчи» АК 2011 ЙИЛ УЧУН МАТБУОТ НАШРЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА Тел: 233-75-49, сайт: www.akmt., e-mail: info@akmt.uz

# ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

***Президентимиз Ислом Каримов 7 декабрь куни Оқсаройда бир гуруҳ юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди***



*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Эл-юртимиз олдидаги фарзандлик бурчини бажариш йўлида бутун борлиғини бахш этиб, ўзининг фидойи меҳнати, муносиб хизмати билан бошқаларга ўрнак ва намуна бўлиб келаётган сиз каби инсонлар билан учрашиш, уларнинг қўлини сиқиб, бағримга босиб муборакбод этиш, мен учун катта бахтдир.

Барчангиз яхши хабардорсиз, халқимиз, мамлакатимиз дуч келган айрим қийинчиликларга қарамасдан, жорий йил биз учун ҳар томонлама баракали, омадли бўлди. Буни машаққатли меҳнат ва катта фидойилик эвазига эришган ютуқ ва марраларимиз амалда тасдиқлаб бермоқда.

Миришкор деҳқон ва фермерларимизнинг ҳалол меҳнати ва омилкорлиги билан юртимиз бўйича қарийб 7 миллион тонналик улкан ғалла хирмони бунёд этишга эришдик. Айниқса, барча вилоят ва туманлар ўз шартнома мажбуриятларини шараф билан адо этгани, кўплаб фермер хўжаликлари ҳосилдорликни 55-67 центнерга етказгани мисолида буни яққол кузатиш мумкин.

Пахтачилик соҳасини оладиган бўлсак, деҳқонларимиз 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд ҳосил етиштиргани ва унинг 90 фоизи юқори навларга топширилгани, ҳеч шубҳасиз, юртимиз деҳқончилик тарихидаги яна бир ёрқин саҳифа бўлди.

Бу ютуқларга ўз ишининг устаси ва фидойиси бўлган сиз каби минг-минглаб далада ишлайдиган инсонларнинг билим ва тажрибаси билан, меҳнат, меҳнат ва яна бир бор меҳнат ҳисобидан эришдик, — деди Ислом Каримов. — Бошқа соҳаларда ҳам, саноатни оласизми, қурилиш, йўл қурилиши ёки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни оласизми, бизга қувонч бағишлаб, бошқаларнинг ҳавасини тортаётган бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида кўпгина мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатлари пасайиб, ривожланишдан тўхташ ҳолатлари юз бераётган бир пайтда Ўзбекистон дунёдаги саноқли давлатлар қаторида барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолмоқда. Жорий йилда юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8,5 фоизни ташкил этаётгани бунинг ёрқин далилидир. Ишонаман, янги 2011 йилда ҳам, иншооллоҳ, ўсиш суръатларимиз бундан кам бўлмайди.

Биз учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган таълим-тарбия соҳасини оладиган бўлсак, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги ўқув масканлари барпо этиш бўйича қилинаётган улкан ишлар ҳақида ҳар бирингиз ўз шаҳар ва қишлоғингиз ҳаётидан кўплаб мисолларни келтиришингиз мумкин, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Тиббиёт соҳаси учун давлат бюджетидан 1 триллион 700 миллиард сўмдан ортиқ, яъни 2009 йилга нисбатан 30 фоиз, 2008 йилга нисбатан эса икки баробар кўп маблағ сарфлангани инсон ҳаёти ва саломатлиги биз учун энг катта бойлик эканининг яна бир амалий намоёнидир.

Шулар қаторида илму фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларида, халқимиз маънавиятини юксалтириш бўйича йил давомида амалга оширган ишларимизнинг салмоғи ва аҳамиятини ҳеч қандай рақам билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди, албатта.

Айниқса, Ватан ҳимоячиси бўлган жасур ва фидойи ҳарбийларимиз, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг мардонавор хизмати туфайли юртимизда тинчлик ва барқарорлик ҳукм сурмоқда, ҳар қайси маҳалла, ҳар қайси оилада хотиржамлик, осуда ҳаёт, эртанги кунга бўлган ишончимиз янада мустаҳкамланиб бормоқда ва бу бизнинг энг катта ютуғимиздир, деди давлатимиз раҳбари.

Шу маънода, юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, мана шундай юксак ютуқларда менинг ҳам ҳиссам бор, деб ғурур ва ифтихор билан гапиришга тўла ҳақлидир.

Шулар ҳақида гапирар эканмиз, биз аввало, ҳар қайси катта-кичик жамоада ўз фаолияти, ақл-заковати, билим ва тажрибаси, олижаноб фазилатлари билан бошқаларга ўрнак бўлаётган етакчиларни алоҳида ва катта миннатдорлик билан тилга оламиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, сиз азизларнинг ҳар бирингиз ва шу кунларда жойларда давлат мукофотларини қабул қилиб олаётган барча юртдошларимизнинг шу йўлда қилган хизматингиз, қўшган ҳиссангизни ҳар қанча таърифласак арзийди, албатта.

Она Ватанимизни равнақ топтиришда ўзини аямасдан, кунни кун, тунни тун демасдан меҳнат қилаётган, Ўзбекистоннинг залворли юкини ўз елкасида кўтариб келаётган инсонлар сифатида сизлар бундай ҳурмат-эҳтиромга ҳар томонлама муносибсиз.

Айниқса, Баркамол авлод йили деб ном олган 2010 йилда мукофотларга сазовор бўлган ватандошларимиз орасида турли соҳаларда ўзининг дастлабки умидбахш ютуқлари билан ҳаммамизни қувонтираётган азму шижоатли ёшларимизнинг муносиб вакиллари борлиги барчамизга қувонч бахш этади, деди Ислом Каримов.

Шундан сўнг Президентимиз давлатимизнинг юксак мукофотларини тантанали равишда топширди.

— Бугун сизлар учун, оила аъзоларингиз, яқинларингиз, ҳамкасб дўстларингиз учун катта тантана, катта хурсандчилик, — деди давлатимиз раҳбари. — Сизларга юксак унвон, орден ва медалларни топширар эканман, бамисоли барчангизнинг қаддиқоматингиз янада баланд бўлиб, юзларингиз янада яшнаб-яшариб кетгандек туюлмоқда. Худдики ўзимни ҳам сизларнинг қаторингизда мукофот олгандек ҳис қиляпман. Шунинг учун бугун оила ва ёру дўстларингиз даврасида мукофотларни нишонлар экансиз, мени ҳам даврангизда бордек, орангизда ўтиргандек ҳис қилсангиз, ўзимни бахтиёр деб биламан.

Ватанимиз, халқимизнинг улкан ҳурмат ва эътибори рамзи бўлган бу юксак мукофотлар ҳаммангизга буюрсин.

Барчангизни Конституциямиз байрами билан яна бир бор табриклаб, сизларга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман, деди пировардида Юртбошимиз.

Мукофотланганлар юксак эътибор ва ғамхўрлиги учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирдилар.

**(ЎзА)**

# БЕТИМСОЛ ЮТУҚЛАРИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Эркин ва фаровон жамият қуриш, Ватанимизнинг салоҳияти ва қудратини, халқимизнинг турмуш даражасини юксалтириш борасида эришаётган барча муваффақиятларимиз Конституциямизда белгилаб қўйилган ҳуқуқий асосларга қатъий амал қилиб келаётганимизнинг самарасидир.

Мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш жараёни ҳеч қачон ортга қайтмайдиган, қатъий ва изчил тус олгани, одамларимизнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ошаётгани, онгу тафаккури юксалиб, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи ортиб бораётгани бунинг яққол тасдиғидир.

Ўтган давр мобайнида халқимизнинг фидокорона меҳнати туфайли қўлга киритган улкан ютуқларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Мамлакатимизнинг изчил юқори ўсиш суръатлари, юртимизда барпо этилган банк-молия тизимининг барқарор ва ишончли фаолият юритиши, иқтисодиётда амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан 2010 йил — Баркамол авлод йили деб эълон қилинган эди. Бу борада махсус давлат дастури ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда.

Болалар ҳамда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни уйғун камол топтиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Оналар ва болалар саломатлигини ҳимоя қилиш, фарзандларимизни спортга кенг жалб этиш, болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар бажарилди.

Мухтасар қилиб айтганда, фарзандларимизни XXI аср талабларига жавоб берадиган инсонлар этиб вояга етказишдек эзгу мақсад йўлидаги бундай ишлар изчил давом этмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов кириб келаётган янги — 2011 йилни мамлакатимизда **«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»** деб эълон қилишни таклиф этди. Давлатимиз раҳбарининг бу таклифи йиғилганлар томонидан гулдурос қарсаклар билан қўллаб-қувватланди.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти билан якунланди.

**(ЎзА)**



**Хайрулла РЎЗМЕТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

*— Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари эртадан бошлаб бир ҳафта давомида жойларда аҳоли вакиллари билан учрашадилар.*
*Биз — ЎзХДП фракцияси аъзолари ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам манфаатларига оид қонунлар қандай ижро этилаётганига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Электорат муаммоларини чуқур ўрганиб, таҳлилий хулосалар чиқариш депутат ўз фаолиятини самарали ташкил этишида муҳим аҳамиятга эга.*

**ЎзХДП фаоллари ташаббуси билан**

## Бош мақсад — инсон манфаати

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ЎзХДП фракцияси ва партиянинг «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббуси билан «Қонун устуворлиги давлат ва жамият ривожининг асосий мезонидир» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.**

— Бош Қомусимизнинг Муқаддимасида келтириб ўтилганидек, **инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш** Конституциямизнинг асосий мақсадларидан биридир, — деди Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Назира Матёқубова. — Унда инсонни қадрлаш ва ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳурмат қилиш тегишли моддалар билан мустаҳкамлаб қўйилган. Мамлакатимизда тинч ва осуда ҳаётнинг ҳукм суришида, эришилаётган ютуқларимиз, истиқболга ишончимиз ва юртимиз обрўсининг халқаро майдонда ортиб бориши замирида Конституциямиз белгилаб берган ҳуқуқий асослар турганини бугун ҳар бир фуқаро чуқур ҳис этмоқда.

— Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, айниқса, Конституциямиз мазмун-моҳиятини ўсиб келаётган ёш авлод онгига чуқур тушунтириш муҳим аҳамиятга эга, — деди Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси Ғайрат Мамажонов. Бу борада ёшлар қаноти аъзолари зиммасида ҳам катта вазифалар турибди. — Биз тенгдошларимиз орасида тарғибот ишларини олиб боришимиз учун, аввало, ўзимиз Конституциянинг мамлакатимиз ва халқимиз тақдирида тутган тарихий аҳамиятини чуқур билишимиз зарур.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар фуқаролик жамиятини қуриш йўлида ёшлар онгида эркин жамиятга хос фикрлаш тарзини шакллантириш муҳимлигини таъкидлашди.

**Танқиддан сўнг...**

## *«Ишонч қозониш учун меҳнат қилиш керак»*

Газетамизнинг 20 ноябрь сонида чоп этилган ушбу сарлавҳали мақолада Шовот, Қўшкўпир, Урганч туман партия кенгашлари Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти талабга жавоб бермаслиги танқид қилинган эди. Таҳририятимизга мақола юзасидан жавоб келди.

«Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари раислари, раис ўринбосарлари иштирокида вилоят партия фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2010 йил 20 ноябрда «Ўзбекистон овози» газетасида чоп этилган «Ишонч қозониш учун меҳнат қилиш керак» сарлавҳали танқидий мақолада кўтарилган масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда мақолада ҳақиқатдан ҳам долзарб масала кўтарилгани, электорат билан яқиндан ишлаш, унинг муаммоларини ўрганиш, таҳлил этиб бориш ва ечимини топишда ўзига хос тузилма бўлган партия кенгашлари ҳузуридаги Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини кучайтириш долзарб вазифа экани таъкидланди. Узоқ қишлоқларда кўчма қабуллар ташкил қилиш, қабул кунларини кўпайтириш ва бу ишларга партиямиздан маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партиямиз сафидаги обрў-эътиборли кишиларни, партиямиз ижтимоий шериклари бўлган ташкилотлар вакилларини кенг жалб қилиш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ўзбекистон ХДП Шовот, Қўшкўпир ва Урганч туман кенгашлари раисларининг мақолада қайд этилган аҳволни бартараф этиш юзасидан белгилаган тадбирлар режалари тўғрисидаги ахборотлари тингланди ва улар фаолиятига танқидий баҳо берилди.

Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши раиси Раимберган Сабуров Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини янада яхшилаш борасида партия кенгашлари олдида турган долзарб вазифалар тўғрисида сўз юритиб, электорат муаммоларини доимий равишда таҳлил этиб, шу асосда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессиялари муҳокамасига ечимини кутаётган масалаларни киритиш зарурлигини таъкидлади.

Фаоллар йиғилишида бу борадаги аҳволни яхшилаш, ишларни такомиллаштириш юзасидан тегишли тавсиялар қабул қилинди.

**Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси ўринбосари С.Ишчанов».**

**Муносабат**



**Дилбар ХОЛИҚОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси**

— Президентимиз маърузасини барча қатори диққат ва ҳаяжон билан тинглаш жараёнида яна бир бор шунга иқрор бўлдимки, ҳеч бир замонда ёшларга эътибор ҳозиргидек бўлмаган. Мамлакатимизда келажак авлод камоли, бахти-саодати йўлида амалга оширилаётган ишлар қиёсини нафақат яқин-атрофдаги, балки дунёнинг бирор-бир давлатида кўрмаймиз.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг асосий йўналишлари бўйича қилинган ишлардан келтирилган мисолларнинг ўзиёқ қалбимизга қувонч ва ғурур бағишлайди. Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза этиш, ёшларга чуқур билим бериш, касб-ҳунар ўргатиш, уларни спортга жалб этиш бўйича яратилган шароит ва имкониятларни олайлик. Буларга қанча маблағ ва меҳнат сарфланди...

Мамлакатимиз раҳбари мамнуният билан таъкидлаганидек, эзгу ниятлар билан бошлаган ишларимиз, ёшлар учун яратилаётган шароит ва имкониятлар ўзининг самарасини бера бошлади. Бу ҳақда гапирар экан, Президентимиз яқинда Хитойда ўтказилган Осиё ўйинларида спортчиларимиз, айниқса, бадиий гимнастика бўйича қизларимиз эришган ёрқин ғалабани фахр-ифтихор билан таъкидлади.

Мамлакатимизнинг изчил, ишончли тараққиёти танлаган йўлимиз нақадар тўғри эканини кўрсатиб турибди.

Кейинги йилни «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили», деб эълон қилинишидан кўзланган мақсаднинг қамрови жуда кенг. Бу ҳақда ҳали кўп гапирилади, фикрлар айтилади албатта. Иқтисодиётни ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда тўпланган тажриба ҳам буни исботлаб турибди.

Тадбиркорликка очиб бериладиган янада кенг имкониятлардан фойдаланиб, партиямиз электорати ҳисобланган ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни ўрта синфга ўтказиш юзасидан жуда катта ишлар олиб боришимиз керак бўлади. Чунки партиямиз шундан манфаатдор. Бу жараён ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини ривожлантиришда улкан қадам бўлади.



**Алишер СОДИҚОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси**

— Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мун жаноблари мамлакатимизга ташрифи чоғида бир масалага эътибор қаратган эди. Яъни у жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсиридан жаҳонда фақат иккита мамлакат — Ўзбекистон ва Хитой беталофат чиққанини таъкидлади.

Мамлакатимизда Президентимиз бошчилигида оқилона иқтисодий сиёсат юритилаётгани, иқтисодиётнинг сиёсатдан, мафкурадан холилиги таминланаётгани, давлатнинг бош ислоҳотчилик роли, Инқирозга қарши чоралар дастури муваффақиятли амалга оширилаётгани туфайли бу ютуқларга эришдик. Хитой мамлакати эса айнан кичик бизнесни ривожлантириш орқали жаҳон бозоридан катта ўрин эгаллади, иқтисодий фойда кўрди, деб ўйлайман.

Жаҳон тажрибаси кичик бизнес ривожи иқтисодиёт барқарор ўсишини таъминлашга хизмат қилишини кўрсатмоқда. Президентимиз бир неча бор кичик бизнес мамлакатимиз иқтисодиётининг локомотивига айланиши зарурлигини таъкидлаган эди. Бугун Юртбошимиз ташаббуси билан шу соҳани ҳақиқатан ҳам иқтисодиётимизнинг локомотивига айлантиришни янги босқичга кўтариш ишларига бир йилни бағишлаш арафасида турибмиз. Бундан нафақат тадбиркорлар, ишбилармонлар, кичик бизнес вакиллари, балки бутун халқимиз шак-шубҳасиз манфаатдор бўлади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун янги имкониятлар яратилиши — бу янги ташаббуслар, янги иш жойлари, рўзғор бутлиги, ижтимоий ҳимоя барқарорлиги деганидир.

«Матбуот тарқатувчи» АК 2011 ЙИЛ УЧУН МАТБУОТ НАШРЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА Тел: 233-75-49, сайт: www.akmt., e-mail: info@akmt.uz

**Демократия институтлари**

# Фуқаролик жамиятининг миллий негизлари

**Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бугунги кунга келиб улар 5 минг 200 дан ошиб кетди. Бу ташкилотлар ишини ўзаро қиёсласангиз, жамиятимизнинг бугунги тараққиёти ва оқилона сиёсат самараси яққол кўзга ташланади.**

Мамлакатимиз мустақиллигининг илк босқичида давлатчилигимиз тараққиётининг аниқ демократик йўли белгилаб олинди. Унинг сиёсий қиёфасига чизгилар берилди. Ривожланишнинг миллий модели ишлаб чиқилди ва жамият ўз тараққиёт йўлига эга бўлди.

Давлатимиз раҳбари «Демократик тараққиётимизнинг пировард мақсади — фуқаролик жамияти» эканини алоҳида уқтирди. Шу билан бирга, давлатчиликни шакллантириш ва такомиллаштириш йўлидаги стратегик вазифалар аниқ кўрсатиб берилди. Унга кўра, давлат ҳокимияти органлари ишининг самарадорлигини сақлаб қолган ҳолда, ҳокимият ваколатларини марказ ихтиёридан соқит қилиш, бу ваколат ва вазифаларнинг бир қисмини марказдан минтақаларга, шунингдек, давлат ҳокимияти органларининг ҳокимият ваколатлари ва вазифаларининг бир қисмини жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказмоқ лозим эди.

Бу масала доимо Президентимизнинг диққат марказида: **«Ишончим комилки, вақти-соати келиб, бугун ўтиш даври учун зарур бўлган кучли давлат функциялари ва аломатлари аста-секинлик билан тадрижий равишда кучли жамият зиммасига ўтади».** Бу ўринда гап, хусусан, давлатнинг иқтисодий соҳага, хўжалик юритувчи тузилмалар, биринчи навбатда, хусусий тармоқ фаолиятига аралашувини чеклаш ҳамда ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ муайян масалаларни ҳал этишда давлат тузилмалари таъсирини камайтириш ва бу вазифаларни жамоат ташкилотларига топшириш устида бормоқда.

Бошқача айтганда, фуқаролик жамияти қарор топиши баробарида нафақат маҳаллий давлат ҳокимияти ваколатлари, балки марказий ҳокимият ваколатлари ҳам фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотлари томонидан ҳамкорлик ва шерикчилик асосида «ўзлаштириб олиниши» мумкин.

Кўриниб турганидек, жамоат ташкилотларининг давлатчилик қурилишидаги мавқеи ва аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилган. Уларни давлат органлари, айни пайтда, тижорат ташкилотларидан фарқлаш маъносида, кўпинча, нодавлат нотижорат ташкилотлари ёки «учинчи сектор» деб аташади.

Жамоат ташкилотлари, биринчи навбатда, оила, мактаб, оммавий ахборот воситалари каби жамият аъзоларини ижтимоийлаштиришнинг энг ишончли воситасидир. Бошқача айтганда, улар жамият аъзоларини турли мезонлар асосида бирлаштиради, якдил ғоя атрофида қовуштиради ва шу йўл билан шахснинг ижтимоий яккаланишининг олдини олади.

Улар ихтиёрий аъзолик ва махсус низом билан ташкил этиладиган жамоат бирлашмасидир. Уларнинг аниқ мақсадга йўналтирилган фаолияти тегишли қонунларга мувофиқ келувчи низомлар ва инсонийлик мезонлари асосида таъминланади.

Улар юридик шахс бўлиш билан бирга, нуфузли маънавий шахсдир. Жамоатчилик устидан уларнинг маънавий таъсири юридик таъсиридан бир неча марта кучли ва самаралидир. Шунинг учун ҳам уларнинг ижтимоий-маиший масалаларни ҳал этишдаги аҳамияти давлат муассасаларидан кам эмас. Қолаверса, ижтимоий муаммоларни мана шу тартибда ҳал этиш одилона ва демократик усул сифатида қабул қилинади.

Улар давлат идоралари устидан ўрнатилиши лозим бўлган жамоатчилик назоратининг энг холис нозиридир.

Жамоатчилик назорати фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ҳали ташкиллашмаган фуқаролар гуруҳи, оммавий ахборот воситалари каби демократик фуқаролик институтлари томонидан ахлоқий меъёрлар, қонунийлик ва жамият манфаатлари нуқтаи назаридан давлатнинг вакиллик ва ижро этувчи идоралари ва мансабдор шахслари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва уларнинг раҳбарлари устидан ўрнатилиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан назорат остига олинаётган манбанинг табиатига қараб, назорат шакллари ва усуллари ҳар хил бўлади. Масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар устидан жамоатчилик назорати уларнинг фаолиятини соддалаштириш, муносабатда инсонпарварликни кучайтириш, ўз вазифасини ҳалол ўташга ундаш, суд, прокуратура, милиция фаолиятида ошкоралик ва очиқликни кучайтириш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий савиясини ошириш билан ўзининг самарали натижасини топа олади.

Давлат ҳокимияти идоралари устидан жамоатчилик назорати эса қонунийлик, шахс ва жамият манфаатларининг конституциявий устуворлиги тамойилларига суянмоғи шарт.

Шу ўринда, давлат идоралари ва жамоат бирлашмалари орасидаги муносабатга алоҳида тўхталиб ўтиш ўринлидир. Кўпинча уларни бир-бирига қарши қўйиш ҳолатлари кўзга ташланади. Шу боис, жамоат бирлашмаларининг маҳаллий давлат вакиллик органлари, ижро ҳокимияти идоралари ва мансабдор шахслари, маъмурий ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар, қолаверса, бошқа ижтимоий-сиёсий институтлар билан муносабатларининг аниқ ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бугун ғоят долзарб аҳамият касб этади.

Аслида, жамоат ташкилотлари номи қандай бўлишидан қатъи назар, фуқаролар ва жамият билан давлат орасидаги муносабатни тутиб турувчи туташ ҳалқадир. Улар жамиятда етилиб келаётган ижтимоий танглик ва муаммолардан халқ томонидан сайланган ва тайинланган тегишли давлат органларини ҳамда кенг жамоатчиликни воқиф этади. Жамоатчилик фикрини ўрганган ҳолда, мазкур муаммоларни ҳал этиш юзасидан белгиланган тартибда таклифлар ва мулоҳазалар тақдим этиши мумкин.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг ҳуқуқий асослари муваффақият билан шакллантирилди. Бу соҳада қонунлар ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Шунга қарамай, уларнинг фаолияти тўла ва мукаммал даражада ҳуқуқий тартибга солинди, деб бўлмайди. Шу билан бирга, уларнинг фаолиятида кўзга ташланаётган бир қатор муаммоларни фақат ҳуқуқий асослар билан боғлаш унча тўғри эмас.

Айрим нодавлат нотижорат ташкилотлари ўзбек миллий давлатчилиги қурилишида ўзларининг тутган мавқеи ва ўзларига билдирилган ишончни тўла ҳис этмаётганга ўхшайди. Уларнинг бир қолипдаги ўхшаш низомлари ҳавойи ва биқиқ мақсадлар билан тўлиб-тошган, аксарият ҳолларда низомда кўзда тутилган мақсадни амалга ошириш механизми етарлича кўрсатилмайди. Энг асосийси, уларнинг узоқ ва яқин мақсадлари билан кучли давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш стратегияси орасида изчил мантиқий боғланиш кўзга ташланмайди. Натижада, бундай нодавлат нотижорат ташкилот фаолиятида кўр-кўрона ҳаракат қилишга мойиллик юзага келиб, у ўз мустақиллигини тезда йўқотиб қўяди.

Кучли мафкуравий-ахборот уруши кетаётган ҳозирги замонда НТТларнинг баъзилари ташқи кучлар таъсирига тушиб қолаётгани ҳам кузатилмоқда.

Юртбошимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» ҳақида фикр юритиб, юқорида айтилган муаммоларга аниқ ва тўлиқ ечимларни илгари сурди.

Концепцияда амалдаги қонунларга ўзгартиш ва тузатишлар киритиш билан бирга, бир қатор янги қонунлар қабул қилиш таклиф этилди. Жумладан, давлат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, аҳолининг турли қатлами ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш ҳамда доимий ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниши мақсадга мувофиқ деб топилди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратиш учун «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш таклифи илгари сурилди. Айни шу қонун билан ҳамоҳанг тарзда «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этиш орқали жамоатчилик назоратининг таъсир доирасини янада кенгайтириш кўзда тутилаётир.

Жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектларини, назорат предметини, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартлари мазкур қонунларда ўз аксини топиши бу борадаги ишлар такомил топишига хизмат қилади, албатта.

Давлатимиз раҳбари мазкур Концепцияда илгари сурган асосий ғоялар давлатчилигимиз асосларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, юртимиз равнақи ва халқимиз фаровонлиги йўлидаги мукаммал дастуриламалдир. Мазкур ғояларнинг амалий натижалари жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси ва жамоат бирлашмаларидан ички сафарбарлик ва фидойилик, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик талаб этади.

**Ҳайдарали ЮНУСОВ,**
**юридик фанлар номзоди, сиёсатшунос.**

*Конституция — ҳуқуқ ва эркинлигимиз кафолати*



# Инсон манфаатларини ҳимоя қилиш

*жамиятнинг бош мақсади*

**Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Хусусан, Асосий Қонунимизнинг 2-моддасида давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъуллиги белгилаб қўйилди.**

Адлия идоралари фаолиятида инсоннинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, бузилган ҳуқуқларини тиклаш, уларга етказилган зарарни қоплаш, айбдор мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чора кўриш энг долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими ходимлари бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, фуқароларнинг мурожаатлари ўз вақтида ижобий ҳал этилишига эришмоқда. Хусусан, жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида фуқаролардан Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимига 268 та шикоят тушган.

Мурожаатларни кўриб чиқиш ҳамда режа асосида ўтказилган ўрганишлар натижасида судларга 197 686 791 сўмлик 427 та киритилган даъво аризалардан 98 фоизи ижобий ҳал қилиниб, мазкур қаноатлантирилган даъво аризалар бўйича суд қарорларининг 425 таси, яъни 97 фоизи ижроси таъминланишга эришилди.

Ушбу қўлланилган таъсир чораларига асосан қонунбузилишларга йўл қўйган 31 нафар масъул ходим интизомий жавобгарликка тортилиб, шундан 5 нафари ўз вазифасидан озод этилди ҳамда маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан киритилган 24 та таклифга асосан 15 нафар шахсга маъмурий чоралар кўрилди.

Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, Чилонзор туманидаги «Новза» маҳалласида яшовчи фуқаро Н.Авдееванинг «AL PLAST SYSTEV» хусусий корхонаси ишчи-хизматчиларига ойлик маошлари банк ходимлари томонидан ўз вақтида ўтказиб берилмаётганлигидан норози бўлиб, Адлия вазирлигининг «Ишонч телефони»га қилган мурожаатини ўрганиш натижасида мурожаатдаги важлар ўз тасдиғини топди ва АТ «Ўзсаноатқурилишбанк»га тақдимнома киритилиб, унга асосан «AL PLAST SYSTEV» хусусий корхонасининг ишчи-хизматчиларига ойлик маошлари тўлаб берилди. Қонун бузилишига йўл қўйган АТ «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг амалиёт бошқармаси бошлиғи Б.Раззақовга нисбатан 2010 йил 16 март куни банкнинг 39-Н-сонли буйруғи билан амалдаги Меҳнат кодексига асосан интизомий жазо чораси қўлланилган.

2010 йил 9 ойи давомидаги иш режа ва фуқаролар шикоятларига асосан Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган 46 та идорада ўтказилган ўрганишлар натижасида 4995 та қонунбузилиш ҳолати аниқланди. Уларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўрилиб, фуқароларимизнинг конституциявий ҳуқуқлари таъминланди.

Хулоса қилиб айтганда, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамиятимизнинг бош мақсади саналиб, унинг амалда тўлиқ таъминлашда нафақат масъул идоралар, балки фуқароларнинг ҳам алоҳида масъулияти бор. Зеро, фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиб, уни амалга оширишга ҳаракат қилса, бу уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маъданияти юксаклигидан дарак берибгина қолмай, қонунларимизга оғишмай амал қилишга ҳам ундайди. Зеро, Конституциямизда белгиланганидек, қонун барча нарсадан устундир.

**Алишер ПИРМАТОВ,**
**Тошкент шаҳар адлия бошқармаси Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи.**

**Иқтисодиёт ва ислоҳот**

# Банк сармояси эвазига

*корхона модернизация қилинди*

**Мамлакатимизда янги иш ўринлари яратиш, меҳнатни рағбатлантириш, иш ҳақини ошириш ва аҳоли даромадлари ўсишини таъминлашга қаратилган сиёсат ўз самараларини бераётир. Паст рентабелли ва иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш ва бу жараёнга тижорат банкларини жалб қилишга қаратилган ишлар корхоналарнинг молиявий барқарорлигини оширишда муҳим роль ўйнаяпти.**

Китоб туманидаги «Қашқадарёмармар» корхонаси ҳам эски техника ва технологиялар асосида ишлаётганди. Вилоят хўжалик судининг 2008 йил 10 декабрдаги қарорига биноан корхона банкрот деб эълон қилиниб, унинг негизида янги, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга киришилган эди.

Ушбу корхона банкнинг капиталлашуви ва инвестициявий фаоллигини ошириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг устувор йўналишларини қайта тиклаш ва кенгайтириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган кредитлаш ҳажмини ошириб бораётган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки тасарруфига ўтказилди.

Шундан сўнг бу ерда масъулияти чекланган жамият шаклидаги «KESH-MARBLE» корхонаси ташкил этилди. Янги корхона ўтган йилнинг ўзида фаолиятини бошлаб юборди. Миллий банк томонидан 40,5 миллион сўм маблағ сармоя сифатида ажратилди.

Ҳар қандай жамоада иш тўғри ташкил этилиб, сарф-харажатлар тежамкорлик билан амалга оширилса, ўша корхонада муваффақиятга эришилиши, шубҳасиз. Бинобарин ушбу корхонада ҳам шу йўлдан борилмоқда. Ажратилган маблағнинг бир қисми корхонани янги, замонавий дастгоҳлар, технологик линиялар билан таъминлашга йўналтирилган бўлса, яна бир қисми хомашё захирасини яратишга сарфланди. Дарвоқе, хомашёнинг асосий қисми ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига биноан атрофдаги тоғлардан олинмоқда.

Аслида бу корхона норуда материаллар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бўлиб, бу ерда мармар плиталар, блоклар, майдаланган мармар тошлар, шунингдек, Италия технологияси асосида мармар зиналар, паркет ва столлар ҳам тайёрланади.

Кейинги икки йил ичида корхонадаги ишлаб чиқариш ускуналарининг тўла қувват билан ишлашини таъминлаш, маҳсулот сифати ва турларини ошириш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.



Технологик линиялар таъмирланди. Қисқа муддатда 76 та янги иш ўрни яратилганлиги қувончли. Бунинг устига мармар конларида ишлаётган техникалар ҳам шай ҳолга келтирилди. Натижада ўтган йил давомида корхонада 4135 м² мармар плита, 2247 тонна майдаланган мармар ишлаб чиқарилди. Жами 129 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. Захирадаги маҳсулотлар билан қўшиб ҳисоблаганда 165 миллион сўмлик қурилиш материали сотилди.

Жорий йилда эса корхонани янада ривожлантиришга эришилди. Аввало йил бошида Миллий банкдан олинган 102,5 миллион сўмлик сармоя ҳисобига Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган «Янчилган бур» (микрокальцит) тайёрлайдиган ускуна сотиб олинди ва август ойида ўрнатилиб, ишга туширилди. Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида эса 4100 м² мармар плита, 2000 тонна майдаланган мармар ва 340 тонна «Янчилган бур» тайёрланди. Жами 152 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, захирадаги маҳсулот билан қўшилганда 162 миллион сўмлик қурилиш материаллари истеъмолчиларга етказиб берилди. Демак, банк сармоялари корхонани янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари.**




«Матбуот таркатувчи» АК 2011 ЙИЛ УЧУН МАТБУОТ НАШРЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОКДА Тел: 233-75-49, сайт: www.akmt., e-mail: info@akmt.uz



# БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

**8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 ЙИЛЛИГИ билан барча юртдошларимизни самимий муборакбод этади.**

**Эл фаровонлиги, Ватан равнақи, юрт ободлиги йўлидаги бунёдкорлик, хайрли ва эзгу ишларингизда муваффақиятлар ёр бўлсин!**

***Халқимизга тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат, осойишталик ва фаровонлик тилаймиз!***







«Матбуот таркатувчи» АК 2011 ЙИЛ УЧУН МАТБУОТ НАШРЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОКДА Тел: 233-75-49, сайт: www.akmt., e-mail: info@akmt.uz

**Тадбир**

■ Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллиги муносабати билан Тошкент шаҳар ИИББ Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида «Баркамол авлоднинг ҳуқуқий юксалишида Конституциянинг роли» мавзуида семинар бўлиб ўтди.

# Конституция ва ёшлар



Унда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ички ишлар вазирлиги, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамда Тошкент шаҳар ИИББ масъул ходимлари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

*Семинарда сўзга чиққанлар ёш авлодни юксак маънавиятли, соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш жараёнида ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий билим ва маданиятини юксалтириш муҳим ўрин тутиши ҳақида тўхталдилар. Шу билан бирга, турли ёт ғояларга, ён-атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга ҳушёр ва огоҳ, эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган, теран фикрли инсонлар этиб тарбиялашда Конституциямизнинг роли ва аҳамияти беқиёс эканлиги алоҳида таъкидланди.*

Шунингдек, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси томонидан ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш юзасидан кўплаб учрашувлар, давра суҳбатлари, турли семенар ва конференциялар ўтказиб келинмоқда. Шунингдек, оммавий ахборат воситалари орқали қилинаётган чиқишларда бу мавзуга алоҳида урғу берилаётгани аҳамиятлидир.

Тадбирда «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ёшлар ҳуқуқий онгини юксалтиришда ички ишлар идоралари билан маҳалла ва оила ҳамкорлигига доир маърузалар тингланди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ**

**Спорт**

# Тошкентда жаҳон чемпионати ўтказилади

■ Бангкок (Таиланд)да муайтай бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати баҳслари ўтказилди. Унда дунёнинг саксон олти давлатидан келган бир минг олти юз нафардан зиёд спортчи қатнашди.



Мазкур нуфузли мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси муносиб иштирок этди. Финалда ўз вазн тоифасида Анвар Холхўжаев (48 кг) гонгконглик, Юсуф Ибрагимов (91 кг) эса латвиялик рақибини енгиб, олтин медалга сазовор бўлди. Шунингдек, ҳамюртларимиз 4 та кумуш, 5 та бронза медали билан тақдирланди. Умумжамоа ҳисобида спортчиларимиз фахрли учинчи ўринни эгаллашди.

Жаҳон чемпионати доирасида Халқаро муайтай федерациясининг Конгресси бўлиб ўтди. Унда келаси йили бўлиб ўтадиган навбатдаги жаҳон чемпионати мезбони аниқланди.

— Юртимизда шарқ яккакурашлари қаторида муайтай спорт тури ҳам жадал ривожланмоқда, — дейди Ўзбекистон ҳаваскор ва профессионал муайтай ассоциацияси президенти Шерзод Тошпўлатов. — Юртимизда айни пайтда ўн минг нафардан зиёд киши муайтай билан мунтазам шуғулланмоқда.

Спортчиларимизнинг халқаро майдонларда қўлга киритаётган ютуқлари мутахассислар томонидан алоҳида эътироф этиб келинаётир. Шу жиҳатларни ҳисобга олган мутасаддилар келаси йили бўладиган жаҳон чемпионати мезбонлигига Россия, АҚШ, Германия, Латвия, Қозоғистон сингари ўн олти давлат вакиллари ўз номзодларини қўйган бўлишига қарамай, Ўзбекистон номзодини маъқуллашди. Жаҳон чемпионатини келгуси йил кузида Тошкентда ўтказиш режалаштирилди.

# Ўзбекистон кубоги ғолиблари

■ Куни кеча Қаршида кураш бўйича Ўзбекистон кубоги беллашувлари ўтказилди.

Муросасиз кечган баҳслар якунида ўз вазн тоифасида Шароф Лутфуллаев (60 кг, Андижон), Аброр Чориев (66 кг), Давлат Абраев (73 кг, иккиси ҳам Қашқадарёдан), Шуҳрат Арслонов (81 кг, Тошкент), Ғойиб Қурбонов (90 кг), Ширин Шарипов (100 кг), Илғор Асадов (+100 кг, Бухоро) шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Қизлар ўртасидаги беллашувлар ҳам қизғин кечди. Унда Муқаддас Кубеева (48 кг, Тошкент), Гулзира Каримова (52 кг, Андижон), Шоҳида Назарова (57 кг), Наргиза Ҳамдамова (63 кг), Ўғилой Нуралиева (70 кг, барчаси Тошкентдан), Соҳиба Эштемирова (78 кг) ҳамда Обида Алладўстова (+78 кг, Қашқадарё) ғолиб бўлишди.

Умумжамоа ҳисобида пойтахтликлар биринчи ўринни эгаллаган бўлишса, кейинги фахрли ўринлар Бухоро, Самарқанд ҳамда Қашқадарё вилоятлари полвонларига насиб этди.

# Футбол байрамининг бу галги мезбонлари

***Футбол бўйича навбатдаги жаҳон чемпионатига 2014 йили Бразилия мезбонлик қилади***



■ Куни кеча Цюрих (Швейцария)даги ФИФАнинг штаб-квартирасида кейинги мундиал баҳслари ўтказиладиган давлатлар номи эълон қилинди.

Унга кўра, 2018 йили ўтадиган жаҳон чемпионати Россия стадионларида уюштирилади. Орадан тўрт йил ўтиб, мундиал ҳаяжонлари Осиё қитъасига кўчади. 2022 йили Қатар давлатида бўладиган мусобақалар футбол тарихи саҳифаларидан қитъамизда ўтказиладиган иккинчи жаҳон чемпионати сифатида жой олади. Бунгача мундиал учрашувлари 2002 йили Япония ва Жанубий Корея яшил майдонларида ўтказилган эди.

**Эркин ХОЛБОБО**

**Хорижда**

# Пенсия ёши

***ўзгартирилади***

■ Украина президенти Виктор Янукович мамлакат телеканалларидан бирида қилган чиқиши чоғида шуни алоҳида таъкидладики, мамлакат иқтисодиёти олдида турган навбатдаги жиддий масала пенсия ислоҳотини ўтказишдир.

Бу ислоҳот қанчалик тез амалга оширилса, Пенсия жамғармасидаги молиявий тақчилликни шунча тез бартараф этиш ва унинг ўсишини тўхтатиш мумкин. Шу важдан ҳам давлат бошлиғи пенсия ёшини 5 йилга узайтириш ҳақида алоҳида тўхталди. Қолаверса, бу Халқаро валюта жамғармасидан кредит олишнинг муҳим шартларидан биридир.

«ТСН» телеканали маълум қилишича, айни пайтда Пенсия жамғармасидаги «дефицит» миқдори 60 миллиард гривнага яқинлашиб қолган. Пенсионерлар сони эса 15 миллион атрофида.

Эслатиб ўтамиз: ҳукумат пенсия ислоҳотини икки босқичда ўтказишни режалаштирмоқда. Унинг биринчи босқичи шу ойнинг ўзидаёқ жорий этилиши назарда тутилган.

Вазирлар Маҳкамаси 10 декабрда «Пенсия ислоҳоти тўғрисида»ги янги қонун лойиҳасини Олий радага тақдим этади. Ҳукумат йил охиригача Халқаро валюта жамғармасининг 1,6 миллиард долларлик кредит траншини қўлга киритишни мўлжаллаб турибди.

Украина Вазирлар Маҳкамаси ва Халқаро валюта жамғармаси ўртасида янгидан тузилган меморандум шартларига биноан пенсия ёши аёллар учун 55 дан 60 га, эркаклар учун эса 60 дан 65 ёшга узайтирилади.

# Тозалик патрули

***фаолият бошлайди***

■ Тбилисида табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси бугун-эрта кучайтирилган тартибда патрулликни йўлга қўяди.

Улар шаҳар аҳолиси томонидан шаҳар кўчаларига ахлат ташланишининг олдини олиш учун ҳар бир жойни кузатув остига олади. Бунинг учун улар видеокамера ва махсус автомашиналар билан таъминланадилар. Кўчага ва умуман, жамоат жойига ахлат ташлаётган одам видеога муҳрланади ва шунга асосан унга нисбатан маъмурий чора қўлланади. Кўчаларда чиқиндилар тобора кўпайиб бораётгани ана шундай қарор қабул қилинишига сабаб бўлди.

Яқинда айнан атроф-муҳит муҳофазасини кучайтириш юзасидан мамлакатнинг Маъмурий кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Унга кўра, дейилади «Новости-Грузия» АА хабарида, кўчага ахлат, масалан, қоғоз ёки сигарет қолдиғи ташлаган жисмоний шахс 50 лари (28 доллар атрофида), юридик шахс эса 200 лари (113 долларга яқин) миқдорида жаримага тортилади.

# Дастлабки маълумотлар

***эълон қилинди***

■ Россия давлат статистика федерал хизмати («Росстат») жорий йилнинг 14 октябридан 25 октябригача мамлакат бўйлаб ўтказилган Умумроссия аҳолини рўйхатга олиш тадбири барбод бўлгани ҳақидаги гап-сўзлар урчиб кетмаслигининг олдини олиш мақсадида дастлабки маълумотларни тезкор тарзда эълон қилди.

«Росстат» раҳбари Александр Суриновнинг маълум қилишича, дейилади «Известия» газетасида чоп этилган ахборотда, мамлакатда бир йилдан ортиқ вақтдан бери яшаётганларнинг 141 миллион 300 минги рўйхатга олиш анкетасини тўлдирган.1,2 миллион киши эса анкеталарни тўлдиришдан бош тортган. Демак, мамлакатда 142,5 миллион киши истиқомат қилади, деган хулосага келиш мумкин. Аммо «Росстат» бошлиғи кейинроқ баёнот бердики, рўйхатга олиш натижаларига кўра, мамлакатда 143 миллиондан ортиқ киши яшайди.

Хўш, унда 1 миллион киши қаёққа ғойиб бўлди?

Рўйхатга олиш тадбирлари ташкилотчиларининг тушунтиришларича, хорижда яшаётган россияликлар, армияда хизмат қилаётганлар, қамоқхонадаги маҳбуслар ва инсон қадами етиши қийин бўлган ҳудудларда истиқомат қилаётганлар ҳали рўйхатга олингани йўқ. Демак, айнан улар 1 миллионни ташкил этиши эҳтимолдан холи эмас.

Умуман, рўйхатга олиш натижаларининг биринчи босқичи 2011 йил 31 майгача, иккинчи босқичи 2012 йил 30 июнгача, учинчи босқичи эса, яъни якуний хулоса 2012 йил 31 декабргача эълон қилинади.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, Глобаллашув ва ижтимоий ҳаракат институтининг директори Борис Кагарлицкийнинг айтишича, 17 миллиард рубль миқдорида маблағ сарфланган Умумроссия аҳолини рўйхатга олиш тадбири ўта сифатсиз ўтказилган. Рўйхатга олиш тадбирида иштирок этганларнинг кўпчилиги уйларга бирма-бир кирмаган, балки «домовой книга»даги рўйхатларни кўчириб қўя қолган. «Масалан, менинг ўзимни ҳам бирорта вакил келиб, рўйхатга олгани йўқ» дейди у.

Аҳолини рўйхатга олиш тадбири якунлангач, ўтказилган ижтимоий сўров натижалари шундан далолат бермоқдаки, ҳар ўн кишидан бири рўйхатга олинмаган.

**Мулоҳаза**

# Исм ҳам ҳусн

***агар у чиройли маъно-мазмунга эга бўлса ва бехато ёзилса...***

■ Одамнинг исми-шарифи унинг бир умрлик атови ҳисобланади. У ҳужжатларда қайд этилади, инсон шундай ном билан чақирилади, ҳаётда шу исми-шариф эгаси сифатида яшайди. Шундай экан, ота-она фарзандига исм қўйишда унинг маъно-мазмунли бўлишига, туғилганлик тўғрисида гувоҳнома олишда эса тўғри ва бенуқсон ёзилишига жиддий эътибор бериши зарур. Бу масалада озгина хатолик ёхуд нуқсонга йўл қўйилса, у вақтида тузатилмаса, кейинчалик талай оворагарчилик келиб чиқиши мумкин.

Ички ишлар бўлими паспорт хизматига 18 ёшга тўлган фуқаро паспорт олиш учун мурожаат қилди. У туғилиш гувоҳномасида ноаниқликлар мавжудлиги, яъни гувоҳномадаги исми бўяб ўзгартирилгани сабабли унга аниқлик киритиш учун ФҲДЁ бўлимига юборилади.

Бу ерда у мактаб синф журналлари ҳамда аттестатда қайд этилган исми билан туғилганлик ҳақидаги гувоҳномадаги исми бошқа-бошқа эканини, одатда, паспорт биринчи далолатнома ёзуви бўйича берилишини билганида, нима қилишини билмай қолди. Чунки, мактабдан берилган аттестатда, қолаверса, уч йил давомида коллежда ўқиб юрган даврида бошқа исм билан юритилган. ФҲДЁ бўлимидагилар эса унга биринчи далолатнома ёзувидан кўчирма бериб, шу асосда шахсини тасдиқловчи ҳужжат олиши зарурлигини тушунтиришди. Шунда, албатта, аттестати ва коллеж дипломи энди нима бўлади, деган савол туғилади. Чунки унда исми бошқача ёзилган.

Бундай ҳолатлар ФҲДЁ бўлимлари фаолиятида тез-тез учраб туради. Кўпинча ота-оналарга фарзандининг исми қандайдир сабабга кўра ёқмай қолади. Бундай кезларда баъзилар боланинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасига ўзларига ёққан исмни ёзиб қўйишади, бу кейинчалик фарзандига кўпдан-кўп муаммо туғдиришини ўйлаб ҳам кўришмайди. Аслида, ФҲДЁ бўлимлари томонидан болага берилган туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома асосий ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унга ўзбошимчалик билан ўзгартиш киритиш мумкин эмас.

Бу билан биз боланинг исми ва отасининг исмини ўзгартиб бўлмайди, демоқчи эмасмиз. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш қоидаларининг 8 ва 9-бўлимлари, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳолати далолатномаларини юритиш тўғрисидаги йўриқноманинг 5 ва 6-бўлимларига асосан фуқаролар исм, фамилия ва ота исмини ўзгартириш учун фарзандлари 16 ёшга тўлгунга қадар ўзаро келишган ҳолда жойлардаги ФҲДЁ бўлимларига ариза билан мурожаат этиши лозим. Шунда далолатнома ёзувларига ўзгартириш киритилиб, такрорий гувоҳнома берилади.

Бола 10 ёшдан ошганда бу каби ўзгартишлар унинг розилиги ва ФҲДЁ мудири тасдиқлаган ҳолда амалга оширилади. 18 ёшга тўлган фуқаро исми, фамилияси ва отасининг исмини ўзгартириш учун шахсини тасдиқловчи ҳужжат — паспорт олгандан сўнг ФҲДЁ бўлимига мурожаат этиши керак. Бинобарин, болангизнинг исми, фамилиясини ўзгартириш учун паспорт олишдан олдин — бола 16 ёшга тўлмасдан мурожаат қилинса, ортиқча оворагарчиликсиз уни амалга ошириш мумкин.

Айрим ҳолларда фуқаролар томонидан туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома олиш чоғида болага фамилия қўйилмай, фақат исм ва ота исми (масалан, Зебо Муҳиддин қизи) ёзилган бўлиши мумкин. Бундай пайтда бўш қолдирган фамилия ўрнига кейинчалик ота-она ёхуд бола томонидан ўзбошимчалик билан фамилия ёзилган тақдирда ҳам паспорт олинаётганда юқоридаги сингари ФҲДЁ бўлимига қайтарилади. Ушбу ҳолатда ҳам фақат ФҲДЁ бўлимлари томонидан ота-онанинг аризасига кўра ёки фарзанд 16 ёшга тўлган бўлса, унинг аризаси ҳамда ота-онанинг розилиги билан далолатнома берилади.

Халқимизда исм танлаш, фарзандга муносиб исм қўйиш эзгу амал ҳисобланади. Афсуски, айрим ҳолларда бундай гўзал урф-одатларимизга кўланка ташлаётган ҳолатлар ҳам учраб туради. Оқибатда фарзандларимизни маъно-мазмунсиз исмлар билан аталишига, баъзан эса исмини нотўғри айтиб, ҳужжатларда хато ёзилишига ҳам йўл қўямиз.

Бехато ёзилган, чиройли маъно-мазмунга эга исм ҳам аслида ҳусн. Шундай экан, ота-оналар фарзандига исм танлашда адашмасалар ва танланган исмнинг ҳужжатда тўғри қайд этилишига жиддий эътибор қаратса, ўйлаймизки, аввало ўзига, қолаверса, тилимизга ҳурмат кўрсатган бўлади. Бунга масъулият билан қараш ҳар биримизнинг вазифамиздир.

**Зумрад ҚОСИМОВА,**
**Зарбдор туман**
**ФҲДЁ бўлими мудираси.**

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши «Ўзметкомбинат» АИЧБ электрда пўлат эритиш цехи пўлат эритувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати Олимжон Тўйчиевга акаси

**Одилжон ТЎЙЧИЕВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Yoshlar» телерадиоканали» ёпиқ акциядорлик жамияти жамоаси телерадиоканал ходими Зулфия Сагатовага падари бузруквори

**Эркин ота**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



# Карманaнинг ажиб қиёфаси

**Жорий йилда Кармана туманининг 4 та даҳасида жами 115 та уй қуриш кўзда тутилганди.**

Мана, йил охирига келиб, «Ҳазора»да 40 та, «Нарпай» ва «Маданият» қишлоқларида 35 та ўзига хос қулайликларга эга замонавий уйлар эгаларига топширилди.

— Бу хайрли ишларимизнинг бошланиши холос, — дейди «Қишлоқ қурилиш банк» Навоий вилоят филиали бошқарувчиси Абдухалил Тўрақулов. — Бу каби бунёдкорлик, яратувчилик ишини янги 2011 йилда ҳам давом эттириб, туманда яна умумий қиймати 16 миллиард 150 миллион сўмлик 190 та янги, ўзига хос лойиҳага эга турар-жой бинолари барпо этиш ниятидамиз.

**Музаффар ШАРОПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

SAVDOGAR BANK

Ўзбекистон — Германия
«САВДОГАРБАНК»
акциядорлик тижорат банки жамоаси

юртдошларимизни,
ўз акциядорлари ва мижозларини
Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул
қилинганлигининг 18 ЙИЛЛИГИ
билан муборакбод этади!

Хонадонингизни
тинчлик-хотиржамлик
тарк этмасин.

Дастурхонингиздан
барака аримасин!

18

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ
ХАЛҚ БАНКИ

Ўзбекистон
Республикаси
Конституциясининг
18 ЙИЛЛИК байрами
билан
ҳамюртларимизни
самимий қутлайди.

Давлатимиз
равнақи, юртимиз
ободлиги, халқимиз
фаровонлиги
йўлида олиб
бораётган самарали
ишларингизда
улкан
муваффақиятлар
тилаймиз!

18 yil

XALQ BANKI
халқ ишонган банк
«Янги йил туҳфаси»
муддатли ютуқли омонати

Шартлар:
— омонатлар 2010 йилнинг 20 ноябридан 31 декабригача қабул қилинади;
— фоиз ставкаси фойдали;
— омонат муддати — 3 ой;
— ютуқлар тиражи 2011 йил январь ойининг учинчи ўн кунлигида бўлиб ўтади;
— бош соврин «Matiz» автомобили, шунингдек, 10 000 сўмдан 5 000 000 сўмгача бўлган 259 та пул ютуқлари қўйилган;
— омонат валютаси — сўм;
— омонатнинг энг кам миқдори — 50 000 сўм;
— фоизлар ва ютуқлар омонат муддати тугаганидан кейин тўланади.



Янги йилга
янги «Matiz» билан!

www.xb.uz
Тел.: 200-00-55

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45,
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — (374) 225-32-70
Buxoroda — (365) 223-06-02
Gulistonda — (367) 225-46-45
Jizzaxda — (372) 227-48-35
Navoiyda — (436) 223-83-73
Namanganda — (369) 226-43-81
Nukusda — (361) 222-77-21
Samarqandda — (366) 235-02-55
Urganchda — (362) 517-30-58
Farg`onada — (373) 224-18-78
Denovda — (376) 412-37-80

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi:
Behzod SHUKUROV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG`ATOV,
Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.*
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1149
7568 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 22.35
Topshirilgan vaqti — 01.45
1 2 3 5
Sotuvda erkin narxda